



## ТАЛАБА ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

**Абдусаматов Хасанбой Усмонжон ўғли**

*психология фанлари доктори, доцент,*

*“Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти илмий котиби*

**Аннотация:** Бугунги кунда барча ижтимоий институтлар ва биринчи навбатда, таълим соҳасида ёшлар ўртасида никоҳ ва оила қуриш масалалари билан боғлиқ салбий тенденцияларни бартараф этиш бўйича ижтимоий буюртма шакланмоқда. Ёшларни оилага тайёрлаш ёш авлодни тарбиялашнинг умумий тизимининг ажралмас қисмидир. Кўплаб социологик, педагогик ва психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талабаларнинг турмуш қуриш ва оила қуришга тайёрлиги уларда оила институтига масъулиятли муносабатни шакллантириш бўйича ижтимоий-педагогик ва психологик ишларнинг мақсади бўлиш заруратини шакллантирмоқда. Ушбу мақолада юқоридаги масалаларнинг механизми ёритилган.

**Калит сўзлар:** ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, турмуш қуриш, талаба.

Ёшларни келажакдаги оилавий ҳаётга тайёрлаш ёш авлодни тарбиялашнинг умумий тизимининг ажралмас қисмидир. Жамият маълум ёшга етган йигитни оила қуришга тайёр деб билган ва асосий кўрсаткич ёш ҳисобланган. Ижтимоий муносабатларнинг маданий -тарихий динамикаси бўйича оилалардаги ўзгаришларнинг ноқулайлиги ёш авлодни оилавий ҳаётга алоҳида тайёрлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Кўплаб социологик, педагогик, тиббий-психологик тадқиқотларда ёшларни оила қуришга тайёрлашда ижтимоий, педагогик, психологик ва тиббий омилларни асосий деб кўрсатмоқда. Илмий тадқиқотларда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосининг турли жиҳатларига бағишланган замонавий ёндашувлар ва йўналишлар шакланмоқда (М.И. Дьяченко, Л.А. Кандыбович, Л.А. Коростылева, Г. Навайтис, И. Панков, Л. Панкова, В.Я. Слепов, В.А. Сысенко, Т.А. Гурко, В.И. Зацепин, В.А. Ильин, Е.П. Ильина, Э.Г. Эйдемиллер, В.В. Юстицкис, В.С. Торохтий, Л.Б. Шнейдер).

М.И.Дьяченко, Л.А.Кандыбовичларнинг фикрига кўра, ўқиш, иш семестрлар, спорт ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга одатланган талабаларда оилавий ҳаётга психологик тайёргарлиги яхши бўлиши исботланган. Шу билан бирга, талаба оила тўғрисида қарорларни қабул қилиши ва турмуш ўртоғини танлашда тўғри-эркинлик тамойили асосида бўлиши исботланган [2].

Латвалик психолог Г.Навайтиснинг фикрича, талабаларда оила қуришдан олдин жисмоний етилганлик, қарама-қарши жинс вакили билан муносабатларда коммуникатив кўникмани шаклланиши ва эркин иқтисодий



функцияни шаклланганлиги муҳим эканлиги таъкидланган. Психолог таъкидлаганидек, танлаган турмуш ўртоғи билан ҳиссий ва хўжалик муносабатларида биргаликда тажриба орттириш муҳим аҳамиятга эга.

Е.П.Ильин, Г.Навайтис, Э.Г.Эйдемиллер, В.Юстицкис каби олимлар томонидан кўплаб психологик-педагогик тадқиқотларида никоҳ мотивлари батафсил таҳлил қилинган. Уларнинг тадқиқотларида талаба йигит ва қизларда турмуш ўртоғ ташлашнинг асосий сабабларини аниқлашга имкон беради. Талаба йигитларда бу мотивлар жинсий яқинлик истаги, бошқа жинсга ғамхўрлик кўрсатиш ҳохиши билан боғлиқ. Талаба қизлар мотивида бошқа жинс вакилидан ғамхўрликни бошдан кечириш, севги туйғуларини кўрсатиш ва уни ўзларига нисбатан ҳис қилиш истаги билан боғлиқлиги аниқланган. Умуман олганда, иккала жинсда ҳам мотивлар дярли бир хил ва ҳиссий мотивлар билан боғланмоқда [2; 3; 5].

Э.Эйдемиллер ва В.Юстицкислар талабаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда психотерапиядан фойдаланиш уларнинг оилавий муносабатларни барқарорлиги замин бўлувчи қизиқишлари ва маънавий қадриятларига мос келувчи жуфтликларни танлай олиш имкониятини кўрсатиб берган. Талабалар ўзларининг шахсий фазилатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва оилавий ҳаётнинг турли жабҳаларида музокаралар олиб бориш қобилиятини намоиш этиш муҳимлиги таъкидланган [4].

Психолог Л.Б.Шнайдернинг позицияси қизиқ, жинсий тарбияни ривожлантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида белгилайди. Тадқиқотчининг фикрига кўра, эр-хотиннинг физиологик, ахлоқий ва маънавий бирлигининг шакллантириш оилада турмуш ўртоғга нисбатан садоқатли бўлиш туйғусини шакллантиришга ёрдам беради [5].

В.С. Торохтиянинг тадқиқотларида ёшларнинг турмуш қуришга тайёрлашни аҳамиятини тўлиқ очиб берди. Психологнинг фикрича, никоҳнинг мустаҳкамлиги ва узоқ умр кўриши турли омилларга боғлиқ. Шу билан бирга, шахсларнинг ижтимоий-психологик жиҳатдан етуклиги ёшларнинг оилавий ҳаётининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Тадқиқотчи таъкидлаганидек, шахснинг етуклиги, эҳтиёжи, психологик тайёргарлиги ва оилада эркак ва аёл роллари, кейинчалик оилада оталик ва оналик функцияларини бажариш қобилияти ривожлантириш муҳим эканлиги кўрсатилган [6]. Муаллифнинг фикрича, замонавий жамиятда эркаклар ва аёлларнинг функционал-рол муносабатлари, улар ўртасида оилавий мажбуриятларни тақсимлаш ҳақидаги ғояларида сезиларли бўшлиқ пайдо бўлган.

Классик хорижий психологияда никоҳ ва оилавий муносабатлар муаммосининг фундаментал тадқиқотлари мавжуд. З.Фрейд психоанализ назариясига оид асарларида жинсий алоқа муаммосини синчиклаб ўрганган. У жинсий тарбиянинг оқибатлари ҳақида ёзган. Биз томонимиздан никоҳга



тайёргарлик кўришда эътибордан кечда қолдирадиган ёки жамият учун тўғри келмади деган фикримиз билан никоҳга тайёрлашда дастлаб жинсий тарбиянинг муҳимлиги буюк психолог З.Фрейд илмий асослаб берган. Жинсий хоҳиш ва тарбияни ўргатиш, ахлоқ муаммо сифатида қарашни тўхтатиш кераклиги таъкидланган.[7].

Швейцариялик психолог С.Юнгнинг асарларида мураккаб шаклланиш сифатида никоҳнинг гетерогенлик хусусиятини субъектив ва объектив омилларига алоҳида эътибор берган. Унинг фикрича, ёшлар ҳаётининг биринчи ярми, турмуш ўртоғ билан уйғунлашуви билан тавсифланади, кейинги босқичларда эса танқидий, маълум бир образларни проекциялаш билан асосланади. Ҳар бир эркакнинг ўзига ҳослиги шундаки, у аёл образи ва исмига нисбатан проекцияни амалга оширади. Худди шундай, ҳар бир аёлда ҳам эркак қиёфасининг туғма тасвири мавжуд бўлади [8].

Австриялик шифокор ва психолог А. Адлернинг севги ва оилага психологик тайёргарлик бўйича тадқиқотлари кизиқ бўлган. Муаллиф нуқтаи назаридан, ёшларнинг оила қуришга психологик тайёргарлиги уларнинг ижтимоий мослашувига имкон берувчи оилавий туйғусининг мавжудлиги билан боғланган. Оилавий севги муносабатлари турмуш ўртоғлар бир-бирларига ачиниш, қайғуриш ва интилиш туйғуларини шакллантирса, уларнинг бўлажак оилавий ҳаёти мустаҳкам бўлиши асосланган [1].

В. Сатирнинг фикрича, оилада шахснинг шаклланишида катта ёшли оила аъзоларининг таъсири кучли бўлади. Адекват ўзини-ўзи қадрлайдиган турмуш ўртоқлар ўртасидаги самимий ва тўғри мулоқот оиланинг барқарор фаолиятига ёрдам беради, унда оилага нисбатан садоқат ва оилапарварлик каби қоидалар шаклланади [2; 5].

Психологик-педагогик адабиётларда оила муаммоси ҳақида олимларнинг турли қарашлари мавжуд. Инсон хулқ-атворини рағбатлантириш соҳасида мутахассис бўлган психолог Р. Франкиннинг фикрига кўра, эркаклар ва аёлларнинг никоҳ стратегиялари турмуш ўртоғни танлаш билан белгиланади деб ҳисоблайди. Ёшлар учун оилани шакллантиришнинг биринчи циклининг асосий вазифалари ҳамкорлик, оилавий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва масъулиятни тақсимлашдан иборат деб ҳисоблайди.

Таҳлил натижасига кўра, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосига оид психологик-педагогик адабиётларда бир нечта ёндашувлар мавжуд.

а) социологик ёндашув, талабаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда хилма-хил дастурлар орқали амалга оширишни қўллаб-қувватлайди. Турмуш ўртоғ танлашда катталар томонидан огоҳлантириш, доимий маслаҳатлашиш ва қарор қабул қилишда мотавицион куч бериб туриши кўрсатилади;

б) маданий ёндашув, ёшларда жинсий тарбия маданиятини шакллантириш ва оилага садоқатини сақлаш ғоясига асосланади. Физиологик,



ахлоқий ва маънавий омиллар гармония бўлса, ёшларда оилавий ҳаётда ажралишга нисбатан салбий фикрлар мавжуд бўлади.;

в) ёшга асосланган ёндашув, унда ёшга боғлиқ камолотнинг хусусиятлари ёшларнинг турмуш қуришга тайёрлигини мураккаблаштириш ёки рағбатлантириш;

д) ижтимоий-психологик ёндашув, ёшлар шахсининг психологик этуклигига асосланади ва уларнинг қонуний турмуш қуриш орқали тўлақонли оила яратиш заруратида намоён бўлади;

е) ролли ёндашув, ёшларни ўз оиласининг нормал фаолият кўрсатиши учун эр ва хотин, она ва оналар ролларини ўйнашга махсус тайёрлашни назарда тутди.

Аксарият оила тадқиқотчиларининг фикрича, замонавий жамиятда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнига комплекс ёндашув зарур [2; 4; 6]. Демак, ёш авлодни мактабда ўқиши, оилада бўлиш босқичида ҳам келажакда ўз оиласини яратишга, турмуш ўртоғи ва ота- онанинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини бажаришга алоҳида тайёргарлик кўриш алоҳида аҳамиятга эга.

Биз И.В.Гребенников ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлашда қуйидаги асосий жиҳатларни киритиш зарур деб ҳисоблайди [2; 6]:

1. Никоҳ-оила муносабатлари ва демография соҳасидаги давлат сиёсатини очиб берувчи, шунингдек, никоҳ-оила муносабатларининг ижтимоий моҳияти, оиланинг мақсади, оилавий қадриятлар, эр ва хотиннинг ижтимоий роли тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ижтимоий сиёсат.

2. Маънавий ва ахлоқий, шу жумладан қуйидаги ахлоқий фазилатларни тарбиялаш: бошқа жинс вакилларига дўстона муносабатда бўлиш; онага, отага, катта ва кичикга ҳурмат; болаларни тарбиялаш эҳтиёжлари; масъулият, садоқат, ҳалоллик, вазминлик, меҳрибонлик, риоя қилиш; турмуш ўртоғ, оила ва фарзандлар олдидаги бурч ҳисси; самимий туйғулар маданияти.

3. Никоҳ ва оила қонунчилиги асослари билан таништиришга қаратилган ҳуқуқий; оила ҳуқуқининг энг муҳим қоидалари билан; турмуш ўртоқларнинг бир-бирига, болаларга, жамият олдидаги мажбуриятларини тўғри шакллантириш.

4. Психологик, шахсий ривожланиш ҳақида тушунчаларни шакллантириш; талабалар ўртасидаги шахслараро муносабатлар психологиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида; никоҳ ва оилавий ҳаётнинг психологик асослари, бошқа одамларнинг психологиясини тушуниш қобилияти ҳақида; турмуш ва оилавий ҳаёт учун зарур бўлган ҳис-туйғуларни ривожлантириш каби омиллар.



5. Физиологик ва гигиеник, шу жумладан эркак ва аёл организмларининг физиологик хусусиятларини билиш; жинсий ҳаётнинг хусусиятлари, шахсий масалалар гигиена ва бошқалар.

6. Педагогик, жумладан, оиланинг фарзанд тарбиясидаги ўрни, унинг педагогик салоҳияти, оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, ота ва онанинг тарбиявий вазибалари, ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш йўллари ҳақида ғояларни шакллантириш.

7. Ҳўжалик ва иқтисодий: оила бюджети, кундалик турмуш маданияти, уй-рўзғор кўникмалари ва бошқалар ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш - бу ота-оналар, ўқитувчилар, тенгдошлар, бошқа одамлар, маданият ва оммавий ахборот воситалари билан ҳар томонлама ўзаро муносабатлар мажмуаси бўлиб, бунинг натижасида никоҳ ва оилавий муносабатларнинг хусусиятларидан хабардор бўлиш; тегишли ҳис-туйғуларни ривожлантириш, никоҳ ва оилага тайёрлик билан боғлиқ ғоялар, қарашлар, эътиқодлар, фазилатлар ва одатларни шакллантириш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Адлер А. Наука жить. Киев: Port-Royal, 1997. 287 с.
2. Дьяченко М.И., Кандыбович Л.А. Психология высшей школы: учебное пособие. Минск: Университетское, 1993. 368 с.
3. Навайтис Г. Семья в психологической консультации. М.: Моск. псих.-соц. ин-т; Воронеж: МОДЭК, 1999. 224 с.
4. Эйдемиллер Э.Г., Юстицкис В. Семейный диагноз и семейная терапия. СПб.: Речь, 2005. 336 с.
5. Шнейдер Л.Б. Психология семейных отношений: курс лекций. М.: ЭКСМО-Пресс, 2000. 512 с.
6. Торохтий В.С. Психология социальной работы с семьёй. М., 1996. 112 с.
7. Фрейд З. Культурная сексуальная мораль и современная нервозность // Психология и психоанализ сексуальности: хрестоматия / Под ред. Д.Я. Райгородского. Самара: Бахрах, 2002. 221 с.
8. Юнг К. Конфликты детской души. М.: Канон, 2004. 336 с.